



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko‘chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил “20” июнь

09-17657 - сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ғазначилигига

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2021 йил 11 декабрь куни Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек туманига ташрифи давомида берилган топшириқлари бўйича 54-сонли йиғилиш баёнининг 18-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 8 февралдаги 22-сонли буйруғига асосан вазирликнинг ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларга Тошкент шахри Мирзо Улуғбек тумани 2-сонли клиник шифохонасини ва Тошкент шахар Шайхонтохур тумани кўп тармоқли шифохоналари объектларини реконструкция қилиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш учун махсус электрон портали etender.uzex.uz (лот рақамлари 22110012076633 ва 22110012070693) сайти орқали 2022 йил 21-30 апрель саналарида пудратчи ташкилотлар танлаб олинган.

Мазкур объектлар пудратчиларини танлаш учун махсус электрон портали etender.uzex.uz сайтига PDF формат шаклида смета ҳужжатлари жойлаштириш вақтида объектнинг номланишида реконструкция сўзининг ўрнига “**Текуший ремонт**” сўзи техник хато туфайли юкланган. Аслида барча асл ҳужжатларда яъни, тасдиқланган лойиҳа-сметалари, давлат экспертизаси хулосаларида, энг яхши таклифларни танлаш баёнида ва Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари томонидан тасдиқланган манзилли дастурда реконструкция деб расмийлаштирилган.

Ушбу объектларнинг асил лойиҳа-смета ҳужжатларида, электрон порталда юкланган смета ҳужжатлари (физик хажимларида) номланишидан ташқари ҳеч қандай хатоликлар мажжуд эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб, истисно тариқасида пудрат ташкилоти “**VIRA-UNISTROY**” МЧЖ билан “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК ўртасида

тузилган 2022 йил 25 апрелдаги 1-04/22-сонли ва 2022 йил 30 мартдаги 2-04/22-сонли шартномаларни Ғазгачилик бошқармаси дастуридан рўйхатдан ўтказилишига рухсат беришингизни ҳамда молиялаштириш ишларини амалга оширилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Вазир ўринбосари



У.Сабиров

Ижрочи: Ш.Махмудов
ID: 29843
Сана: 20.06.2022



**Қурилиш нарселаштирилган мабзалар ҳисобига амалга ошириладиган
Тиббиёт қурилиш инжонирининг ДУК объектларини қуриш, реконструкция қилиши ва капитал таъмирлам ишларининг**

МАНЗИЛИЙ РЎЙХАТИ №1

(Солиқни сарфни вазириликнинг ривожлантириши ва солиқни сарфни бошқариш органлари ходимларини моддий рабатлантириши жамғувармаси мабзалар ҳисобидан)

(млн.сўм, жорий нархда)

Тўр	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бопланishi ва фойдаланишга топшириши йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бузортмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, бузортмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта хисоблаш билиш) қолдиқ қиймати жумладан, бузортмачи бошқа харажатлари *)	01.01.22 й., ҳолатига объектнинг молжаллаштириш қолдиқ жумладан, бузортмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйималар ливани					2022 йилда фойдаланишга топширилмайдиган		01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта хисоблаш билиш) қолдиқ қиймати жумладан, бузортмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молжаллаштириш қолдиқ жумладан, бузортмачи бошқа харажатлари	Экспертлик ҳулосаси рақами ва санаши	Тендер (таълоғ)лар натижасига бўйича байкоқ рақами ва санаши	Қурилиш пудрат ташмакот номи
								шу жумладан					Муддат/ қувват	Асосий фонд суммаси					
								Жами капитал қўйималар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жикос	Бузортмачи бошқа [аражатлари]								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
2	жами:		объект	1 110,358	1 110,358	1 110,358	1 110,900	1 100,000	987,973	0,000	70,387	0,000		1 110,358		52,449			
				70,387	70,387	70,387	70,837												
1	Тошкент шаҳар Мирзо Улукбек тумани 2-сонли клиника шифохонасини реконструкция қилиш	2022 й	объект	391,744	391,744	391,744	391,744	373,615	344,456		29,159			2022 йил	391,744	18,129	04.04.2022 й № 35510	Харид бейни лот №70693 21.04.2022 й	"VIRA-UNISTROY" МҲДК
				29,159	29,159	29,159	29,159							29,159					
2	Тошкент шаҳар Шайхонтоқур тумани кўп тармакли шифохонасини реконструкция қилиш	2022 й	объект	718,614	718,614	718,614	719,064	684,745	643,517		41,228			2022 йил	718,614	34,319	21.04.2022 й № 37876	Харид бейни лот №76633 30.04.2022 й	"VIRA-UNISTROY" МҲДК
				41,228	41,228	41,228	41,678							41,228					
	таъмирланмаган мабзал							41,640											

Солиқни сарфни вазириликнинг 2022 йил 8-февралдаги 27-сонли буйруғига асосан, Солиқни сарфни вазириликнинг ривожлантириши ва солиқни сарфни бошқариш органлари ходимларини моддий рабатлантириши жамғувармаси мабзалари ҳисобидан 1 100,0 млн.сўм "Тиббиёт қурилиш инжонирининг" ДУК шифона 4001.....054001, шифона ваъна хисобоварига 2022 йил 21-феврал куни ўтказилган.



"Келишимда"
Ўзбекистон Республикаси
Моддий вазириликни
2022 йил 11

"Келишимда"
Ўзбекистон Республикаси
Ишонсиз тараконет ва қамбағалликни
қисқарттириши вазириликни
2022 йил 10.05

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Тиббиёт
қурилиш инжиниринг” ДУК директори
в.в.б. А.Н. Худайбердиев

2022 йил

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ РЎЙХАТИ
1 Бўлим. Қурилишнинг асосий маълумотлари

1.Объектнинг номи ва жойлашган манзили	Тошкент шаҳар Шайхонтохир тумани клиник шифохонасини реконструкция қилиш объекти.	
2.Фаолият тури	Соғлиқни сақлаш	
3.Инвестор	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
4.Буюртмачи	Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Тиббиёт қурилиш инжиниринг" ДУК	
5. Ишлаб чиқарувчи	“LUCKY REBIRTH” ХК	
5.1. ТИА	“LUCKY REBIRTH” ХК	
5.2.ЛСХ ёки ТХ	“LUCKY REBIRTH” ХК	
5.3.Экспертиза	Тошшаҳдавэкспертиза	
6.Бош пудратчи	“VIRA-UNISTROY” МЧЖ	
7.Молиялаштириш манбаси	Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан	
8.Қурилишни бошланиши ва тугаши	2022-2022 йиллар	
9.Қурилишнинг асосий кўрсаткичлари (млн.сўм)	Қурилиш баҳоси	Қолдик 01.01.2022 й.
Қуввати (тегишли ўлчов бирликларида)	объект	объект
Асосий Фонд		
Капитал қўйилмалар	684,745	
Қурилиш-монтаж ишлари	643,517	
Ускуна ва жихозлар		
Бошқа харажатлар ва буюртмачи харажатлари	41,228	
Шу жумладан буюртмачини сақлаш харажатлари		
2021 йили қутилаётган МВ ва ИТКҚВ билан келишилган манзилли дастур	2022 йил (млн. сўм)	2022 йил (млн. сўм)
Қуввати (тегишли ўлчов бирликларида)	Объект	Объект
Асосий Фонд		
Капитал қўйилмалар	684,745	
Қурилиш-монтаж ишлари	643,517	
Ускуна ва жихозлар		
Бошқа ишлар ва хизматлар	41,228	
Шу жумладан буюртмачи хизматини юритиш учун		

2 Бўлим. 2022 йилга мўлжалланган чораклик прогноз тақсимоти (амалдаги нархларда, млн. сўм)

	Жами, йилга	Чорак бўйича			
		I	II	III	IV
Қувват бирлиги					
Асосий фонд					
Капитал қўйилмалар	684,745	684,745			
Қурилиш-монтаж ишлари	643,517	643,517			
Бошқа ишлар ва хизматлар	41,228	41,228			
Шу жумладан буюртмачи хизмати					

Буюртмачи

Пудратчи



“ 30 ” 04 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” давлат унитар корхонаси номидан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 05 июлдаги 262-К-сонли буйруғи ҳамда корхона Низоми асосида иш юритувчи директор вазифасини вақтинча бажарувчи А.Н.Худайбердиев бир томондан, “VIRA-UNISTROY” масъулияти чекланган жамияти директори кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган, жамиятнинг Устави асосида иш юритувчи директори Ш.Козубаев иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, қуйидагилар юзасидан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Тарифлар

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдонининг чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб берилади;

Вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

Яширин (беркитилган) ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларда тақсимлаш;

Шахсий синовдан сўнг ускунани қабул қилиш тўғрисида ишчи комиссиясининг далолатномаси – ускунани синовдан ўтказишга тайёрлигини тасдиқловчи ишчи комиссия томонидан имзоланган ҳужжат;

Тугалланган ишлар тўғрисидаги далолатнома – Буюртмачи ва Пудратчи томонидан ишларнинг бир қисмини ёки барчаси бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Қурилишда муаллифлик назорати – қурилиш-монтаж ишларининг лойиха ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган қарорларга мувофиқлигини таъминлаш учун объект қурилиши устидан лойиҳалаш ташкилотининг назорати;

Курилиш объектини ишга туширишга тайёрлиги тўғрисида далолатнома – объектда барча қурилиш-монтаж ишлари тугалланганлигини ва ускуналарни ишга туширишга тайёрлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Ишлар – Пудратчи томонидан ушбу шартнома шартларига, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бажариладиган ишлар, қурилиш, монтаж, демонтаж ва нуқсонларни бартараф этишни ўз ичига олади;

Индивидуал синовдан сўнг ускунани қабул қилиш тўғрисида ишчи ҳайъатининг далолатномаси – ишчи ҳайъати томонидан имзоланган ва объектнинг комплекс синовларга тайёрлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Ишчи ҳайъати – Буюртмачи ташкилотининг қарори ва буйруғи асосида тайинланади;

Давлат қабул комиссияси – тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиши тугалланган (қайта қуриш, кенгайтириш) ва фойдаланишга тайёр объектни фойдаланиш учун қабул қилувчи ҳайъат (комиссия). Давлат қабул ҳайъатининг (комиссиясининг) таркиби ва даражаси қурилишнинг тахминий қиймати ва объектнинг мақсадига қараб белгиланади. Давлат қабул комиссиясининг тайинлаш объектнинг мураккаблигига қараб 30 кундан кечиктирмай амалга оширилади;

Техник топширик – Буюртмачининг харидлар объектга қўйиладиган талабларини ўз ичига олган, давлат ёки шаҳарлар эҳтиёжларини қондириш учун уни амалга ошириш шартлари ва тартибини белгилайдиган ҳужжат. Унга мувофиқ товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни қабул қилиш амалга оширилади;

Лойиҳа ҳужжати – Буюртмачининг талабига биноан лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган график (чизмалар, тузилма (схема) ва бошқа ҳужжатлар) ва мантли материаллардан (капитал қурилиш объектга оид маълумотлар, қабул қилинган техник ва бошқа ечимларнинг тавсифи, тушунтиришлар, ҳисоблаш натижалари, қабул қилинган қарорларини асословчи ҳисоблаш натижалари) ташкил топган ҳужжатлар тўплами;

Кафолат муддати – Пудратчининг ўзи ва ўз маблағлари ҳисобига объектни ишлатиш вақтида Буюртмачи ёки бошқа ваколатли органлар томонидан аниқланган барча нуқсонлар, камчиликлар ёки етарли даражада сифатли бажарилмаган ишларни бартараф этиш даври. Кафолат муддати шартнома тарафлари томонидан белгиланади;

Давлат экспертизаси – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат экспертиза органлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ҳужжатлари текшируви;

Объектни фойдаланишга қабул қилинган деб ҳисобланган сана – Давлат қабул комиссиясининг объектни қабул қилиш далолатномаси имзоланган сана;

Қўшимча ёки қўшимча келишув - шартномага киритилган ўзгартиришлар ёки қўшимчаларни белгилайдиган ва шартноманинг ажралмас қисмини ташкил қилувчи томонлар томонидан имзоланган ҳужжат;

Субпудратчи – Пудратчи томонидан шартнома бўйича ишларни бажариш учун ёрдамчи пудратчи сифатида ёлланган юридик шахс;

Объект номи: Тошкент шаҳар Шайхонтохир тумани клиник шифохонасини реконструкция қилиш объекти.

2. Шартнома мавзуси

2.1. Пудратчи Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни талаблари асосида etender.uzex.uz электрон платформасидаги 2022 йил 30 апрелдаги (Электрон) баённомасига асосан энг яхши таклифни танлаб олиш орқали ғолиб деб топилган бўлиб, мазкур пудрат шартномаси шартларига кўра, Тошкент шаҳар Шайхонтохир тумани клиник шифохонасини

реконструкция қилиш объекти.объектини фойдаланишга тайёр холда реконструкция қилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

3. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1.Мазкур шартнома бўйича мукамал таъмирлаш ишларининг қиймати барча солиғ тўловлари (ҚҚС билан) **677 386 000 (олтти юз етмиш етти миллион уч юз саксон олтти минг)** сўмни ташкил этади.

3.2. Ишларнинг қиймати қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган кучларнинг (форс-мажор) пайдо бўлиши қурилиш нархининг ошишига олиб келганда;

-ишлар ҳажми ва тури Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда ва бу ишларнинг қийматига таъсир қилса;

-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ мудатга Ҳукумат топиши билан давом эттирилганида.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.3.1. Пудратчининг бошқа харажатлари бугунги кунда амалда бўлган статистик кўрсаткичларга ёки Пудратчининг тақдим қилган ижобий экспертиза хулосасига асосан аниқланади.

3.4. Пудратчининг сотиб олиш ва сақлаш харажатлари қуйидагича:

- қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари учун 2 %;

- металл конструкциялар учун 0,75 %;

- ускуналар учун 1,2 % миқдорида қабул қилинади.

3.5. Қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар, мебель ва инвентарларни ташиш учун транспорт харажатлари қуйидаги тартибда қабул қилинади:

- қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкциялар қийматининг 5% миқдорида;

- ускуналар қийматининг 2% миқдорида;

- кабел маҳсулотлари қийматининг 1,5 фоизи миқдорида қабул қилинади.

3.6. Вақтинча бино ва иншоотларнинг харажатлари ШНК 4.09-06 "Вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш харажатлари смета нормалари"га мувофиқ ҳақиқий харажатлар билан ҳисобга олинади.

3.7. Тўғридан-тўғри харажатларга киритилмаган Пудратчининг бошқа ишлаб чиқариш харажатлари (ишчиларни ташиш, вахта усули ва бошқалар) ҳақиқий харажатлар лойиҳа- смета асосида қабул қилинади.

3.8. Қишда нархларнинг кўтарилиши ШНК 4.07-06 "Қишда қурилиш-монтаж ишлари учун қўшимча харажатларнинг ҳисобланган нормаларини тўплаш" нормаларига биноан ҳақиқий харажатлар экспертиза хулосаси билан ҳисобга олинади;

3.9. Машина механизмлари бўйича нормалар ШНК ресурсларига мувофиқ қабул қилинади. Бир соатлик иш ҳақи Пудратчининг ва / ёки субпудратчининг машиналари ва механизмлари таълуқли экспертиза хулосалари асосида олинади. Қурилиш транспорти воситалари ва объектнинг шартнома нархида назарда тутилган механизмлар бошқа турдаги қурилиш транспорт воситалари ва механизмлари билан алмаштирилган тақдирда, Буюртмачи Пудратчига амалда ишлатилган машиналар ва қўл меҳнатлари учун объектнинг шартнома қийматида кўрсатилган транспорт воситаларининг нархлари миқдорида ҳақ тўлайди.

3.10. Объектнинг қурилиш хавфини суғурталаш учун харажатлари ШНК 4.01.16-09-га мувофиқ суғурта суммасининг 80% миқдорининг 0,32% дан кўп бўлмаган миқдорда қабул қилинади ва Буюртмачи томонидан қопланади.

3.11. Тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича якуний экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг 3.4 дан- 3.10 бандлари ўз кучини йўқотади.

3.12. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

4. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.1.1. Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ "Ишларни бажариш жадвали"да назарда тутилган ҳажмда, қийматда ва муддатларда ёки муддатидан олдин ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар ёрдамида бажариш, шунингдек ишни Буюртмачига шартнома шартларига мувофиқ топшириш. Бунда Пудратчи ишларнинг камида 30 фоизини ўзи томонидан бажариши лозим;

4.1.2. Ишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида, шартномавий нархларнинг дастлабки қиймати бўйича, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда ишларни бажариши;

Агар Пудратчи томонидан ёки унинг субпудратчилари томонидан объектнинг лойиҳа сметасида назарда тутилмаган ишлар асоссиз бажарилганлиги аниқланган тақдирда қурилиш қийматини кўпайтирмасдан сарфланган маблағни ўз ҳисобидан қоплаб бериши;

4.1.3. Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

4.1.4. Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик қурилмалар қуриш;

4.1.5. Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

4.1.6. Қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

4.1.7. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, қурилмалар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.1.8. Қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

4.1.9. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.1.10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.1.11. Пудратчи ҳар ойнинг 25 чи санасидан кечиктирмаган муддатда кузатув хати орқали Буюртмачига қуйидаги ҳужжатларни кўриб чиқиши учун тақдим қилади: бажарилган ишларнинг қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура маълумотномасини. Буюртмачи тақдим этилган ҳужжатларни кўриб, текшириб чиқиб, тўғриланган ҳолатда (агар хатолик мавжуд бўлса) Пудратчига қайтаргандан сўнг, 3 иш куни ичида хатоликларни тўғирлаган ҳолда 3 нусхада бажарилган ишларни Буюртмачига тақдим этиши лозим.

4.1.12. Пудратчи куйидаги ҳолларда ишни тўхтатишга ҳақли:

- а) Ҳукуматнинг тегишли қарорларига асосан қурилиш ишларини давом эттиришнинг вақтинчалик имкони бўлмаса;
- б) келиб чиққан форс-мажор ҳолатларида;
- в) карантин чоралари қўлланилганида, бунда бевосита эркин ҳаракатларга чеклов қўйилган ҳолларда;
- д) лойиҳага Буюртмачи томонидан объектни асоссиз равишда ўзгартиришлар киритиш талаб этилса;
- е) Буюртмачи томонидан молиялаштириш асоссиз рад этилган ҳолларда;
- ё) объектни молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаса;
- ж) томонларнинг ўзаро розилиги асосида.

5. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.1.1. шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кун муддатда мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача муддатга далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

5.1.2. Пудратчини қурилиш ишларини бажариш учун бир вақитда қурилиш ва лойиҳалаштиришга берилган муддат тугагандан сўнг, экспертизадан ўтган тўлиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари билан (чизмалар, ишлар рўйхати, манбалари сметаси ва бошқалар) 2 нусхада таъминлаш;

5.1.3. Шартнома имзоланганидан кейин 10 кунлик муддат ичида Пудратчига лойиҳани бериш муддатлари кўрсатилган жадвални тақдим этиш ва мазкур жадвалда кўрсатилган муддатларда Пудратчига лойиҳани тақдим этилиши устидан назорат қилиш;

5.1.4. Буюртмачи иш ҳужжатларига ёки қурилишнинг лойиҳасига ўзгартиришлар киритган тақдирда, ушбу ишларни бажариш бошланишидан олдин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан Пудратчига топшириши;

5.1.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.1.6. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишларни ҳисобот ойининг 25-кунидан бошлаб кейинги ҳисобот ойининг 1-кунигача бўлган муддатда қабул қилишни таъминлайди. Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномаларни кўриб чиқиш ва расмийлаштиришнинг умумий муддати 72 соатдан ошмаслиги керак. Бажарилган ишни қабул қилиш рад этилган ёки бўйин товланган тақдирда, ёзма равишда асосли рад этиш сабабини тақдим этиши лозим. Белгиланган муддатда қабул қилинган ва эътироз билдирилмаган бажарилган ишлар ҳисоботи қабул қилинган деб ҳисобланади ва келгусида эътироз билдирилмайди.

5.1.7. Пудратчининг барча мурожаатларини 15 (ўн беш) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ва жавоб бериш;

5.1.8. Олдиндан ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, Пудратчи томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура маълумотномасига асосан амалда бажарилган иш ҳажмига мувофиқ равишда тўловни амалга ошириб бориш ва жорий молиялаштириш;

5.1.9. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига бажарилган ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

5.1.10. Пудратчи томонидан ёки унинг субпудратчилари томонидан объектнинг лойиҳа-сметасида назарда тутилмаган асоссиз амалга оширилган ишларини аниқлаган

тақдирда, қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу сарфланган маблағни Пудратчининг ҳисобидан қоплашни талаб қилиш (Буюртмачининг оғзаки кўрсатмалари бундан мустасно);

5.1.11. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

6. Ишларни бажариш муддатлари ва шартноманинг амал қилиш муддати

6.1. Ишларни бажаришнинг бошланиши деб Пудратчи мазкур шартноманинг иловаси ҳисобланган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи бўлак (аванс) тўловини олган ва Буюртмачи томонидан Пудратчига яроқли бўлган қурилиш майдонини далолатнома асосида топширган кундан ҳисобланади.

6.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирган ҳисобланади ва шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йил;

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар Пудратчи томонидан қуйидаги муддатларда ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади:

- Қурилиш ишларининг бошланиши биринчи бўлак тўловини олган кундан ҳисобланади.

- Қурилиш ишларининг тугатиш муддати **10 (ўн) кун.**

6.4. Шартномада белгиланган муддатлар фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

- Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра қурилиш ишлари бутун қурилиш даврида 30 (ўттиз) кундан ортиқ вақтга тўхтатилган бўлса;

- форс-мажор ҳолатларида (бунда чекловсиз ҳаракатланиш тўхтатилган ҳолларда);

- Буюртмачи томонидан Пудратчига лойиҳа-смета ҳужжатлари бериш муддатлари бузилганида;

- ўз вақтида ва етарли маблағ билан таъминланмаган ҳолларда (бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан тасдиқланган бўлса);

- томонларнинг келишуви асосида.

6.5. Пудратчи шартнома имзоланган кундан бошлаб ишни бошлаши ва ишларни муддатидан олдин тугатиш ҳуқуқига эга. Бунда молиялаштириш ажратилган лимит доирасида манзилли дастур асосида амалга оширилади.

7. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

7.1. Буюртмачи Пудратчини мазкур пудрат шартномаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 5 (беш) банк иш куни ичида, Шартномага асосан бажариладиган ишлар қийматидан 30% бўлакни, яъни қўшилган қиймат солиғи билан **203 215 800 (Икки юз уч миллион икки юз ун беш минг саккиз юз)** сўмни ташкил қилади;

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига бўлак ажратилиши, шунингдек жорий молиялаштириш икки томонлама тасдиқланган Молиялаштириш жадвали (2-илова) ва Ишларни бажариш жадвали (1-илова) асосида амалга оширилиб борилади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган бўлакни (аванс) пропорционал ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилади.

7.4. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги якуний ҳисоб-китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи қурилиш тугаллангандан ва объект давлат қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, 12 ойлик кафолат муддати тамом бўлгандан кейин амалга оширилади.

Ҳар қандай ҳолатда 5 фоизлик кафолат маблағи Пудратчи томонидан фойдаланувчи ташкилотнинг объектни фойдаланилиши юзасидан эътирози мавжуд эмаслиги ҳақида хат тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 (ўттиз) банк кунни давомида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан ҳақиқатда бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

8. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини–техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор ва Пудратчи қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишлар ўтказиши.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлишишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни, бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалар билан тасдиқланади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобиданочишга, сўнгра эса уни тиклашгамажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг розилиғисиз, Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир кўрсатмайдиган иш хужжатларидан озгина четланишга йўл қўйса, улар қурилиш сифатига таъсир қилмаганлигини исботласа бу ҳолда жавобгарҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса ва бу қурилишнинг умумий муддатига таъсир қилса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Ишларни қўриқлаш

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланишига Буюртмачи жавоб беради.

10. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги фавқулодда ҳолатлар, табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бир-бирига мазкур ҳолатларни исбот этган тақдирда мажбуриятни бажарилишидан озод этиладилар. Бундай ҳолатларга тартибсиз фалокатлар, сафарбарлик, ҳарбий ҳаракатлар, эпидемиялар, террористик актлар, камал ва бошқа халқаро санкциялар, шунингдек, оммавий тартибсизликлар, экспорт ва импортнинг чекланиши, валюта чекловлари ва бошқа Ҳукумат томонидан тақиқланувчи чоралар ҳисобланади.

10.2. Томонлар мажбуриятларини фавқулодда ҳолатлар, табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида давом эттира олмаётганлиги, мазкур ҳолатларнинг бошланганлиги ва тугаганлиги ҳақида бир-бирини зудлик билан огоҳлантиришлари шарт.

10.3. Бундай ҳолатлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни келгусида давом эттириш ёки бекор қилиш тўғрисида музокаралар олиб борилишига мажбурдирлар.

10.4. Томонлар мажбуриятларни табиат ҳодисалари ва енгиб бўлмас куч таъсирида ўз вақтида бажара олмаганликларини мазкур ҳолатларни содир бўлганлигини ваколатли давлат органларининг маълумотномаларини тақдим этишлари ва енгиб бўлмас кучларнинг содир бўлганлиги ва унинг давомийлигини тасдиқловчи ҳолатларни бир-бирига исбот қилишлари шарт.

11. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан сўнг, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

Қурилиш объекти Пудратчи томонидан қурилиш объектини фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида ёзма билдиришномасини олган кундан 10 (ўн) кун мобайнида Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

Буюртмачи томонидан қурилиш объекти Пудратчининг қурилиш объектини фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида ёзма билдиришномасини олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қабул қилиб олинади.

11.2. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига белгиланган тартибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

11.3. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

12. Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

12.1.1. Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.1.2. Лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

12.1.3. Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

12.1.4. Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолат муддати даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

12.1.5. Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар, камчиликлар, чала ишлар аниқланса, улар бартараф этилгунга қадар, кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Аниқланган нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар, камчиликлар, чала ишлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама тасдиқланган далолатномасида қайд этилади.

12.4. Пудратчи нуқсонлар, камчиликлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Қуриш соҳасида назорат инспекцияси” томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

13. Шартномани бекор қилиш тартиби

13.1. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилиши мумкин:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартларига, ишларни бажариш жадвалига риоя қилинмаганида, шунингдек қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-Буюртмачи шартнома шартларига риоя этмаганида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3.Шартнома томонларнинг ўзаро розиликларига кўра бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи ҳақиқатда бажарилган ишлар қийматинининг 95 фоизини Пудратчига тўлайди.

13.4.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма билдиришнома юборади. Ушбу билдиришномани олган тараф 15 кун муддатда жавоб бериши лозим, акс ҳолда шартнома иқтисодий суд орқали бекор қилинади.

13.5.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

14.1.1. Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

14.1.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Агар етказиб берилган қурилиш маҳсулотлари, усқуналар, сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасига кўрсатилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мос келмаса, Буюртмачи ушбу маҳсулотларни, ишларни қабул қилмасликка ҳамда уларни ҳақини тўлашни рад этиб, Бош пудратчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган қурилиш маҳсулотларини ва ишлар (хизматлар) қийматининг 5 (беш) фоизи миқдорига жарима ундириб олишга ҳақли.

Агар маҳсулотлар, ишлар (хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган маҳсулотлар ва ишлар (хизматлар) учун жарима Бош пудратчидан акцептсиз (сўзсиз) ундириб олинади.

14.3. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига қурилиш маҳсулотлари, усқуналар сифати, ассортимент ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин 10 (ўн) кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ундирилади.

14.4. Буюртмачи томонидан Бош пудратчини шартномада кўрсатилган вақтда молиялаштириш кечиктирилган тақдирда Буюртмачи кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4% миқдорига пеня Бош пудратчига тўлайди, бироқ пеня миқдори кечиктирилган тўлов миқдорининг 50% (эллик фоизидан) ошиб кетмаслиги лозим.

14.5. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини (выполнения олиш) тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Бош пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган ишлар қийматининг 0,1% миқдорига жарима тўлайди.

14.6. Бош пудратчи Буюртмачига объектда ишларни бажариш жадвалидан орқада қолиб кетганлиги учун, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4% миқдорида пеняни мажбуриятлар бажарилмаган қисми ҳисобидан тўлайди, бироқ бунда пеня миқдори жадвал бўйича бажарилмаган ишлар қийматининг 50% (эллик фоизи)дан ошиб кетмаслиги лозим;

14.7. Бош пудратчи объектни ўз вақтида фойдаланишга топшириш муддатини ўтказиб юборганлиги учун (ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун) Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 % и миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган ишлар қийматининг 20% (йигирма фоизи)дан ошиб кетмаслиги лозим.

14.8. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Бош пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 % (ўн фоиз) и миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.9. Жарима ва пеня тўланиши Томонларни шартнома шартларини бажармасликдан озод қилмайди.

14.10. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.11. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни келгусида ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

15. Низоларни ҳал этиш тартиби

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда, бажарилмаган мажбуриятлар бўйича жарима ва пеня ундиришда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар томонидан келиб чиққан низолар ўрнатилган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

16. Алоҳида шартлар

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисmlарига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

**16.8. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирилади.**

Шартноманинг куйидаги иловалари мавжуд:

1. Ишларни бажариш жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқланади.

2. Молиялаштириш (босқичларга бўлинган ҳолда) жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқланади.

12. Тарафларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”	“Бажарувчи”
<p>“Тиббиёт қурилиш инжиниринг” давлат унитар корхонаси</p> <p>Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибустон кўчаси 143 ўй. х/р 2340 2000 3001 0000 1010 МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри Банк код рақами 00014 СТИР 201 122 919 ш.х/р: <u>4001101860262807096524054001</u> ЎзР МВ Ғазначилик Амалиёт Бошқармаси СТИР 202 017 477 ОКЭД 70220</p> <p>Директор в.в.б. А.Н.Худайбердиев</p> <p>М.Ў.</p>  	<p>“VIRA-UNISTROY” масъулияти чекланган жамияти</p> <p>Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув МФЙ, Тошкент йўли кўчаси х/р 2020 8000 6048 9792 3001 “Мадад Инвест Банк” Фарғона филиали, Банк код рақами 01142, СТИР 301 901 981, ОКОНХ тел: () _____</p> <p>Директор Ш.М.Козубаев</p> <p>М.Ў.</p>  



МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур турмали клиник шифохонасини реконструкция қилиш объекти

№	Ишнинг номи ва турлари	жами	шу жумладан 2022 йил ойлар миқдарида											
			февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
1	Аванс сиймати 30 %	203 215 800				203 215 800								
2	Жорий маблағ	440 300 900				440 300 900								
4	Қафолат муддати тугалдан кейин 5%	33 869 300												
5	Жами объект учун:	677 386 000	0	0	0	643 516 700	0	0	0	0	0	0	0	

БҮЮРТМАЧИ

ПУДРАТЧИ



ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
"Тиббиёт қуралли инжениринг" ДУК Директорини
в.в.б.

(Handwritten signature)

А.Н. Худайбердиев



"VIRA-UNISTROY" МЧЖ
Директори

(Handwritten signature)

Ш.М.Козубаев

"2022 йил" _____ даги _____ сонли шартномага
1-сонли илова

ИШЛАБ ЧИКАРИШ ЖАДВАЛИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани клиник шифохонасини реконструкция қилиш объекти

№ №	Ишнинг номи ва турлари	ЖАМИ	шу жумладан 2022 йил ойлар миқёсида											
			февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14		
1	Қурилиш-монтаж ишлари жумладан	677 386 000				677 386 000								
1	Умум қурилиш реконструкция ишлар	677 386 000				677 386 000								

БУЮРТМАЧИ



ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
"Тиббиёт қурилиш инжиниринг" ДУК Директори
В.В.Б.

А.Н. Худайбердиев

ПУДРАТЧИ



VIRA-UNISTROY LLC
Директори

Ш.М.Козубаев

**ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ БАЖАРИЛИШИ БИЛАН
БОҒЛИҚ ХАТАРНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА
02-32-274-сонли СУҒУРТА ПОЛИСИ**

